

35 Ягона Ватан,
ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!



Мустақиллик — буюк неъмат

Жорий йилнинг 2 апрель куни давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги

қарори эълон қилинди. Бу қарор нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки ҳар биримиз учун ҳаётий ва ижтимоий имкониятларни кенг очади.

Муносабат

МИЛЛИЙ ИФТИХОР ПОЙДЕВОРИ

Биз башарият тамаддуни, илм-фан ва давлатчилик ривожига беқиёс ҳисса қўшиб, миллатимиз шонини дунёга танитган буюк аجدодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ана шундай улуғ сиймолар орасида Соҳибқирон Амир Темури нафақат забардаст саркарда, балки адолат ва интизомга таянган марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида алоҳида эътироф этилади.

Робохон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори миллий ўзлиқни англаш ва тарихий адолатни қарор топтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу сана муносабати билан "Адолат" СДП ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлари томонидан юртимиз бўйлаб кенг қўламли маърифий тадбирлар ва интеллектуал беллашувлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Шаҳрисабз шаҳрида партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Соҳибқирон тузуқлари ва адолат меъёрлари: шонли тарихдан бугунга қадар" мавзусидаги республика маънавий-маърифий анжумани ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди.

Зотан, Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни беқиёс. "Темури тузуқлари"ни қайта-қайта ўқиш, таҳлил қилиш ва қиёсий ўрганиш Соҳибқирон феноменини тўлиқроқ англаш, унинг тарихий ўғитларини ёш авлод қалбига синдиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



ХАЛҚАЛАРДА ЯШИРИНГАН ВАҚТ


Ёшлар куни

СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ЮКСАК АВЛОД

эртанги тараққиётнинг ҳал қилувчи кучидир

Мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар жараёнида ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги тизими билан яқиндан таништириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бошқа тарафдан, замонавий таълим нафақат назарий билим бериш, балки талабаларда жамият бошқаруви ва сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришни ҳам таъозо этади. Шу мақсадда ташкил этилган навбатдаги учрашув "Алфраганус" университети талабалари учун ўзига хос маҳорат дarsi бўлди.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ТИЛ ЎРГАНИШ:

ёшлар учун янги имкониятлар олами

ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ ХАЛҚ МАНФААТИ ХИЗМАТИДА



Фракция аъзоси Зиёдбек Юнусов Фарғонада мониторинг ўтказди



МИЛЛИЙ ИФТИХОР ПОЙДЕВОРИ



СПОРТ

бу жамиятнинг соғлом ҳаёти ва истиқболли келажати

1 Амир Темур ва темурийлар даврига бағишлаб Европа тилларида 500 дан ортик, Шарқ халқлари тилларида эса мингга яқин йирик асарлар яратилган. Қарийб етти асрдан бунён олам аҳли ва илм-фан намояндлари Соҳибқирон салтанати тарихини ҳайрат билан ўрганиб келади.

Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган нодир манбалар бугунги кунда Европа, Америка ва Осиё мамлакатларининг нуфузли кутубхоналарида қимматбаҳо мерос сифатида сақланади.

Бугун биз Соҳибқироннинг “КУЧ – АДОЛАТДА!” деган улугвор ҳикматини давлатчилигимиз ва ҳуқуқий ислохотларимизнинг маънавий ўзаги, деб биламиз. “Адолат” СДП ўз фаолиятини айнан мана шундай тарихий масъулиятга ҳамоҳанг равишда олиб бормоқда.

Биз учун жамиятда коррупцияга мурасасизлик муҳитини яратиш, давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш – энг олий мақсаддир. Зеро, Амир Темур бундан салкам етти аср вақт муқаддам барпо этган марказлашган давлатнинг пойдевори ҳам айнан адолат, интизом ва қонунга итоат тамойилларига қурилган эди. Соҳибқироннинг “Раият аҳволдан огоҳ бўлмаган, уларнинг дарду ташвишини ўз дардидек билмаган ҳукмдор давлатни бошқара олмайди” деган ҳикматли сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотгани йўқ.

Шу боис Соҳибқирон таваллудини кенг нишонлаш – бу фақатгина тарихий саналарга эҳтиром кўрсатиш эмас, балки буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни чуқур ўрганиш, ундан бугунги давлат қурилишимиз ва маънавий тарбия ишмида илҳом манбаи сифатида фойдаланиш демакдир. “Адолат” СДП ҳудудий ва маҳаллий Кенгашилари томонидан ташкил этилаётган маърифий тадбирлар ва интеллектуал беллашувлар айнан шу олий мақсадга – ёш авлод қалбига миллий ифтихор, тарихий хотира ва ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биз ишонамизки, Соҳибқирон Амир Темурнинг адолатга асосланган давлатчилик тажрибаси, илм-фан ва маданиятга бўлган эътибори, халқпарварлик аънаналари бугун ва эртанги куннинг ҳам йўлчи юдузи бўлиб хизмат қилаверади. Миллий ўзлигимизни англаш, буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлаш ва уни келажак авлодга муносиб тарзда етказиш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Зотан, ўз тарихини теран англаган халқ ҳеч қачон адашмайди, ўз буюкларидан куч олган миллат ҳеч қачон энгилмайди.

Ўзбекистонда спорт фақат мусобақалар ёки рекордлар билан боғлиқ соҳа эмас, балки у инсон саломатлиги, ёшлар тарбияси, жамият фаоллиги ва мамлакат нуфузини белгилаб берадиган муҳим ижтимоий кучга айланмоқда.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Яқинда Президентимиз раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёргарлик тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, спорт бу соғлом турмуш тарзи, интизом, ватанпарварлик ва юрт шарафини намоеъи эътиборини улкан кучдир.

Охириги йилларда бу соҳага бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Илгари спорт кўпроқ алоҳида гуруҳлар фаолияти сифатида қаралган бўлса, бугун у бутун жамиятни камраб олувчи ҳаракатга айланиб бормоқда. Шу боис кейинги йилларда мамлакат бўйлаб спорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бу рақамларда ҳам, ҳаётда ҳам яқоқ намоеън бўлмоқда. Масалан, 1,5 мингдан ортик маҳаллада 1774 та замонавий спорт майдончаси барпо этилди. Бу шунчаки рақам эмас бу минглаб ёшлар учун янги имконият, соғлом турмуш сари қадам, ўз қобилиятини намоеън қилиш майдонидир.

Бундан ташқари, жойларда 200

дан ортик йирик спорт иншоотлари қурилди, 4 мингга яқин хусусий спорт клублари фаолият бошлади. Бу эса спорт соҳасида давлат билан бир қаторда хусусий сектор ҳам фаол иштирок этаётганини кўрсатади.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар натижасиз қолмади. Юртимизда профессионал спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони икки баробарга ошди. Олимпия ва паралимпия жамоалари таркиби кенгайди. Бу эса мамлакатнинг келажакдаги спорт салоҳияти мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон спортчилари халқаро ареналарда ҳам муносиб натижаларни кўлга киритмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида юртимиз вакиллари 400 дан ортик олтин, юзлаб кумуш ва бронза медалларини кўлга киритди. Уларнинг кўпчилиги жаҳон ва Осиё рекордларини янгилади.

Ушбу ютуқлар оддий статистика эмас. Улар – ҳар бир юртдош қалбига фахр туйғусини уйғотадиган, байроғимизни халқаро майдонларда баланд кўтарган ғалабалардир.

Шу билан бирга, барча ҳудудларда вазият бир хил эмас. Айрим туман ва вилоятларда спортни ривожлантириш бўйича ибратли ишлар амалга ошири-

лаётган бўлса, бошқа жойларда бу масалага етарлича эътибор берилмаётгани танқид қилинмоқда.

Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани бу борада ўзига хос намуна бўла олди. Бу ерда ўтган йилнинг ўзида 34 минг ёш оммавий спортга жалб этилди. Янги спорт заллари қурилди, замонавий майдонлар барпо этилди, хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликда катор лойиҳалар амалга оширилди.

Натижада бу туман илк бор республика чемпионатларига мезбонлик қилиш даражасига чиқди. Бу эса тўғри ёндашув ва масъулият натижаси эканини кўрсатади.

Бироқ айрим ҳудудларда бугун ҳам спортга нисбатан бефарқлик ҳолатлари учрамоқда. Бу эса умумий натижага салбий таъсир кўрсатади. Соҳадаги асосий муаммолардан бири формаллик. Айрим мактабларда спорт тўғраклари “номига” ташкил этилган. Болалар қатнашмайди, машғулотлар самара бермайди.

Яна бир муаммо, иқтидорли ёшларни аниқлаш тизими етарлича ишламаётгани. Кўп ҳолларда спорт мактаблари ўзлари ёшларни излаб топшиш ўрнига, тайёр спортчиларни кўтиб ўтирмоқда. Шунингдек, айрим университетларда талабаларнинг катта қисми жисмоний нормативларини бажара олмайгани бу соҳада тизимли муаммолар борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда спортга ёндашув мутлақо ўзгармоқда. Энди асосий эътибор фақат профессионал спортга эмас, балки оммавий спортга қаратилмоқда. “Маҳалла – мактаб – спорт муассасаси – федерация” занжири жорий этилиши орқали аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб қилиш кўзда тутилган.

Яна бир муҳим янгилик, спорт на-

тижадорлигини энди фақат иштирокчилар сони билан эмас, балки аҳоли саломатлиги орқали баҳолаш режалаштирилмоқда. Яъни қайси ҳудудда одамлар кўпроқ соғлом бўлса, ўша ерда спорт тизими самарали деб баҳоланади. Бу эса мутлақо янги ва замонавий ёндашувдир.

Қолаверса, бугун спорт нафақат тадбиркорлар билан ҳамкорликда қатор этилган спорт тадбирлари катта даромад манбаига айланиши мумкин.

Масалан, футбол ўйинларини қулай вақтда ташкил қилиш, стадион атрофида қўшимча хизматлар яратиш, мухлислар учун шароитларни яхшилаш орқали клублар даромадини бир неча баробар ошириш мумкин. Бу эса спортни иқтисодий фаол тармақлардан бирига айлантириш имконини беради.

Умуман олганда, Ўзбекистонда спорт энди фақат ғалабалар майдони эмас, у жамиятнинг соғлом фикри, соғлом танаси ва соғлом келажакини шакллантираётган ҳаётий кучга айланмоқда. Энг муҳими, бу жараён энди фақат спортчилар ёки мутахассислар доирасида эмас, балки ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила ва ҳар бир инсон ҳаётига кириб бормоқда.

Албатта, олдимизда ечимини қутаётган муаммолар ҳам кам эмас. Лекин энг муҳими, соҳада аниқ мақсад, сиёсий ирода ва тизимли ёндашув шаклланди. Демак, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Эндиликда асосий масала бошланган ислохотларни чуқурлаштириш ва уларни ҳар бир ҳудуд, ҳар бир таълим муассасаси ва ҳар бир инсон ҳаётига синдиришдир. Чунки соғлом жамият бу шунчаки шиор эмас, балки ҳар кунлик ҳаракат ва онгли танлов натижасидир.

Мустақиллик — буюқ неъмат



Орифжон ЎЛМАСОВ, Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари

1 Мустақиллик — бу давлатимиз ва ҳар бир инсон учун буюқ неъмат. У нафақат эркинлик ва мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини беради, балки ҳар бир фуқаронинг имконият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўл очади. Бу йўлда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик эса ҳар бир оила ва маҳалла турмушига яққол таъсир қилади.

Мустақиллик – бу ҳар бир инсон учун имконият ва фаровонлик кафолати, бу қарор эса ҳар биримизга янада олға интилиш ва юртимиз тараққиёти йўлида фаоллик руҳини бағишлайди.

Ўзбекистон мустақиллик шарофати билан дунё майдонида ўз ўрнини мустаҳкамлаб, халқаро аренада тан олинмоқда. Мустақиллигимиз ва барқарор ислохотлар натижасида:

- ўзбек спортчилари халқаро мусобақаларда юксак натижалар кўлга киритмоқда, мамлакатимиз номи дунёда эътироф этилмоқда;
- хоржий инвесторлар Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий имкониятларига ишониб, фаоллик билан сармоя киритмоқда;
- ўзбек тадбиркорлари ва ишбилармонлари ўз салоҳияти ва илгор тажрибасини халқаро майдонда намоеън қилмоқда;
- маданият, илмий ва таълим соҳаларидаги ютуқлар мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида обрў-эътиборини оширмоқда.

Президент қарори асосида ташкил этиладиган кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирлар, жумладан, “Ватан фидойилари” монументлари ва “Мустақиллик зафарномаси” китоб-альбомлари ёшларимизда мустақиллик қадр-қиммати ва юртимиз тарихини чуқур англашга ёрдам беради.

Шунингдек, қарорда эътибордан четда қолаётган ҳудудлар аҳолисининг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш, маҳаллалар, оила ва жамоат ҳаётида ижтимоий адолатни таъминлашга алоҳида ургу берилган. Бу эса ҳар бир инсон учун ўз ҳаётида муносиб имкониятлар яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

“Адолат” СДП бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, эътибордан четда қолаётган ҳудудлар ва аҳоли муаммоларига амалий ечим топишда фаол иштирок этишга тайёр.

Барчамиз бирдамлик, эзгулик ва маънавий-тарихий қадриятларимиз йўлида биргаликда ҳаракат қилайлик.

СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ЮКСАК АВЛОД



эртанги тараққиётнинг ҳал қилувчи кучидир



1 Ўтган ҳафта “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова ушбу университетнинг талаба-ёшлари билан ўтказилган мулоқот давомида уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳамда партия фракциясининг иш жараёни билан яқиндан танишиш учун парламентга таклиф этганди.

Шундан келиб чиқиб, мазкур ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ташкиллаштирилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши марказий аппарати масъул ходимлари, талаба-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди. Мулоқотда асосий эътибор ёшлар-

нинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг фикр ва таклифларини бевоқифа эшитиш ҳамда истиқболли кадрларни партиявий тизимга жалб этишга қаратилди. Даставвал Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси раҳбарининг ўринбосари Мухаммадjon Валиев сўзга чиқди.

Депутат фракция томонидан ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларида ижтимоий адолат тамойилларининг аниқ этиши, жамият ривожига сиёсий партияларнинг ўрни ва “Ёшлар қаноти”нинг истиқболдаги режалари, таълим ва илм-фан соҳасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асослари борасида фикр юритди.

Шунингдек, “Алфраганус” университетининг илмий ишлар ва иннова-

циялар бўйича проректори Мўминжон Хўжаев, партия фракцияси аъзолари Шуҳрат Якубов ҳамда Манзура Салимовалар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини сиёсий майдонда намоеън этиш имконияти ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир эркин мулоқот шаклида кечди. Талабалар қонунларнинг қабул қилиниш жараёни, депутатлик сўровларининг самарадорлиги ва ёшлар бандлигини таъминлашга оид ҳуқуқий механизмлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Депутатлар томонидан берилган жавоблар ёшларда парламент фаолияти ҳақида аниқ тасаввур уйғотди. Куннинг иккинчи ярмида талабалар

учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Ёшлар парламент кутубхонаси ва музейида бўлиб, ўзбек давлатчилиги ва парламент тарихига оид нодир манбалар билан танишишди.

Шунингдек, ялпи мажлислар залида бўлиб, энг муҳим сиёсий қарорлар қабул қилинадиган муҳитни бевоқифа ҳис қилишди. Бу, ўз навбатида, талабаларда нафақат ҳуқуқий билимни мустаҳкамлайди, балки уларда келажакда юрт тақдирига дахлдор қарорлар қабул қила оладиган сиёсий етакчилик сифатларини ҳам тарбиялайди.

Зотан, сиёсий фаоллиги юксак ёшлар – эртанги тараққиётнинг ҳал қилувчи кучидир.

“Адолат” СДП матбуот хизмати



Нега Соҳибқирон адолатни устувор билган?



Инсоният тарихида адолат ғояси ҳамisha давлатчиликнинг энг олий тамойили ва ижтимоий барқарорликнинг бош мезони бўлиб келган. Бу борада буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур томонидан шакллантирилган бошқарув фалсафаси алоҳида аҳамият касб этади. Соҳибқирон адолатни давлатнинг бош пойдевори сифатида кўрган ва уни бошқарув амалиётига тизимли равишда татбиқ этган. Шунингдек, теурийлар давлатчилигида адолат тушунчаси давлатни емирувчи зулмга қарши амалий сиёсат ифодаси ҳисобланган.

Муносабат

Бугун дунёда экологик муаммолар тобора кескинлашиб бориши, иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнлари, ҳавонинг ифлосланиши каби ҳолатлар инсоният олдида жиддий хавф туғдирмоқда. Экологик вазият кескинлашиб бориши, ўз навбатида иқтисодиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу боис ҳам бугун дунё мамлакатлари экологик фожиалардан талафотсиз чиқиш кетиш йўллари изламоқда.

Сўнги йилларда «Яшил макон» лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатлари экилаётгани, ҳудудларда замонавий кўчатхоналар ташкил этилаётгани ушбу ташаббуснинг изчил ва самарали амалга оширилаётганидан далолат беради.

Хусусан, вилоятимизнинг тоғли ҳудудларидан ҳисобланадиган Оҳангарон туманида ҳам йилига миллионлаб дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Президентимиз томонидан янги қабул қилинган фармонга мувофиқ, 2030 йилга қадар мамлакатимизда яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, жон бошига тўғри келадиган яшил ҳудудларни эса 10 квадрат метргача ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш, нафақат экологик ҳолатни яхшилаш, балки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Президентимиз ҳудудларда экологик инфратузилмани ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида урғу бериб, эндиликда ҳар бир вилоятда юзлаб гектар майдонларда ботаника ва дендрология боғлари, шунингдек, аҳоли учун қулай бўлган соя-салқин сайлгоҳ кўчалар ташкил этилиши кераклиги таъ-



Азизбек ИСМОИЛОВ,
Алфраганус университети ректори,
иқтисод фанлари доктори (PhD), доцент

Манбалардан маълумки, Амир Темур бошқарувида қонун устуворлиги қатъий таъминланган бўлиб, барча қарорлар адолат мезонига асосланган. Лавозимларга муносиб ва қобилиятли ифодаловчи норматив адолатдир. Иккинчиси – ресурслар ва имкониятларнинг тенг тақсимланишини аниқлаш тақсимот адолати бўлса, учинчиси – қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини ифодаловчи процедуралар адолатдир. Тўртинчиси эса жамиятда бузилган мувозанатни тиклашга қаратилган ресторатив адолат ҳисобланади.

Давлат бошқарувида адолатни таъминлаш учун бир қатор муҳим механизмлар тизимли равишда жорий этилиши лозим. Аввало, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг тенглигини кафолатловчи ҳуқуқий механизмлар асосий ўрин тутаяди. Шунингдек, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро мувозанат ва назоратни таъминловчи институционал механизмлар суиистеъмол ҳолатларнинг олдини олади. Давлат хизматчиларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини ифодаловчи маъмурий механизмлар ҳамда иқтисодий ресурсларнинг адолатли тақсимоти жамиятдаги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Демак, Теурий давлатчилик тажрибаси адолатни фақат қонунлар мажмуаси сифатида эмас, балки халқчил бошқарув тизимининг асосий тангани эканини исботлайди. Қолавэра, Амир Темур даврида солиқларнинг адолатли белгиланиши ҳамда муҳтож қатламнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлгани аҳамиятлидир. Шунингдек, ўша давр шароитида хабарчилар ва назорат тизими орқали йўлга қўйилган ўзига хос ахборот алмашинуви бугунги рақамли бошқарув тизимлари билан мазмунан ҳамоҳанг, албатта.

Бугунги глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида адолат модели янада жиддий шакл олмақда. Теурий адолат концепцияси замонавий ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлўғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиёратгоҳ ўринлатдим. Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай таваф этмоқни одат билишди.

Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз – бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Оллоҳ хуш кўрмагай...


Ҳамишалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадоий бўлсанг-да боғ ярат – бир кунмас-бир кун мевасини татирсан...

Черик тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан – йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан – қилични ўйната олишига, учинчидан – ақл-заковатино камолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматиға олдим. Негаким, куч-қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу укубатларга чидамли бўлади, қилич ўйната оладиган киши рақибни мағлуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин.

Халқаларда яширинган вақт

Табиат — онамиз

Дарахтлар табиат кўрки бўлиши билан бирга, ер юзидаги энг ишончли «тарихчилар» ҳамдир. Баъзан бирор сабаб билан кесилган дарахт тўнкасига кўзингиз тушса, ундаги турли қалинликдаги доираларни кўрасиз. Ана шу халқалар дарахтнинг неча йил яшаганини, ҳатто ўтмишдаги иқлим шароитларини ҳам «сўзлаб» бера олади. Шу боис дарахт ёшени аниқлаш масаласи қизиқарли ва илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.



Шаҳноза ҚУЛМАТОВА

Уларнинг ёшени йиллик халқаларга қараб аниқлаш фани дендрохронология деб аталади. Шу атома юнонча дендрон – дарахт ва хронос – вақт сўзларидан олинган. Мазкур йўналиш фақат дарахт ёшени аниқлаш билан чекланмайди, балки ўтган даврлардаги иқлим ўзгаришлари, қургўчилик даврлари, намлик даражаси ва бошқа табиий жараёнларни ҳам ўрганишга хизмат қилади.

Дарахт танасининг пўстлоғи остида камбий қавати жойлашган бўлиб, айнан шу қатлам ҳужайраларнинг бўлиниши ҳисобига янги ёғоч қатламларини ҳосил қилади. Фасллар яққол алмашиб турадиган ҳудудларда, жумладан, Ўзбекистон шароитида бу жараён аниқ кузатилади.

Баҳор ва ёз бошларида дарахт фаол ўсади. Шу пайтда ҳосил бўладиган ҳужайралар каттароқ, деворлари эса юпқароқ бўлади. Натижада танада очроқ рангли қатлам пайдо бўлади. Ёз охири ва кузга келиб ўсиш секинлашиб, ҳужайралар майдароқ ва зичроқ шаклланади. Шу боис бу даврда ҳосил бўлган қатлам тўқроқ рангда кўринади. Қиш мавсумида эса камбий фаолияти

деярли тўхтайдди. Шундай қилиб, битта оч рангли ва битта тўқ рангли қатлам биргаликда дарахтнинг бир йиллик ўсиш халқасини ташкил этади.

Дарахт ёшени аниқлашнинг энг оддий усули кесилган тўнка юзасидаги халқаларни санашдир. Бунда дарахтнинг марказидан пўстлоғигача бўлган халқалар кетма-кет ҳисобланади. Ҳар бир халқа бир йилга тенг деб олинади. Агар дарахт тирик бўлса, уни кесмасдан ҳам ёшени аниқлаш мумкин. Бунинг учун махсус асбоб ердамида тананинг марказигача ингичка ёғоч намуна олинади. «Керн» деб аталадиган бу намуна орқали йиллик халқалар саналади. Ушбу усул дарахтга жиддий зарар етказмайди ва илмий амалиётда кенг қўлланади.

Баъзи ҳолларда радиоуглерод таҳлили ҳам қўлланади. Бу усулда дарахтнинг тирик қатламларидан олинган намуналардаги углерод изотоплари микдори ўрганилиб, унинг ёши лаборатория шароитида аниқланади. Яна бир усул математик ҳисоблаш бўлиб, бунда дарахт танасининг айлана ўлчами аниқланади ва у шу турдаги дарахтнинг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичига бўлинади. Бу усул тахминий натижа берса-да, айрим ҳолатларда фойдаланилади.

Агар дарахтнинг ичи чириб кетган бўлса, масалан, қадимий чинорларда

учрайдиган ҳолатларда олимлар целлюлозадаги кислород изотопларини таҳлил қиладилар. Бу усул дарахтнинг айнан қачон экилганини эмас, балки у яшаган даврдаги ҳаво намлиги ва ҳарорат ўзгаришларини аниқлаш имконини беради. Мазкур маълумотларни иқлим хариталари билан таққослаш орқали дарахтнинг қайси даврда илдиз отгани ҳақида илмий хулоса чиқарилади.

Дарахт халқалари фақат ёшни эмас, балки ўша даврдаги табиат шароитларини ҳам ақс эттиради. Агар халқалар кенг бўлса, бу ўша йили ёгингарчилик етарли бўлганини, иқлим дарахт ўсиши учун қулай келганини билдиради. Халқалар ингичка бўлса, бу қургўчилик, совуқ, касаллик ёки зараркунанда-лар таъсири бўлганидан дарак беради. Баъзан халқалар бир томонга қийшиқ ёки нотекис бўлиб шаклланади. Бу эса дарахт кучли шамол таъсирида, қияликда ёки ёруғлик нотекис тушадиган шароитда ўсганини аниқлаши мумкин. Демак, дарахт танаси ўзида вақтни, яшаб ўтган муҳит изларини ҳам сақлаб қолади.

Дарахт ёшени аниқлаш оддий қизиқши эмас, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга масаладир. Бу орқали ҳудудлардаги экологик ўзгаришларни кузатиш ва прогноз қилиш мумкин. Шунингдек, тарихий обидалар, қадимий

ёғоч буюмлар ва осори-атиқаларнинг ёшени аниқлашда ҳам дендрохронология муҳим ўрин тутаяди. Энг асосийси, бундай тадқиқотлар табиатни асраш, ноёб ва кўп йиллик дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Сўнги илмий изланишларда дарахт ёшени аниқлашда ернинг геомагнит майдони билан боғлиқ омиллар ҳам ўрганилмоқда. Айрим тадқиқотларга кўра, дарахт ўсиши давомида унинг ҳужайраларида микроскопик даражадаги магнит излар сақланиб қолиши мумкин. Олимлар ана шу белгиларни таҳлил қилиш орқали дарахтнинг қайси даврда ва қандай табиий муҳитда яшаганини аниқлаш устида ишламоқда. Бу усул, айниқса, қазилма ҳолида топилган ёғоч намуналари учун истиқболли йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Дарахтлар танасидаги йиллик халқалар вақт, иқлим ва яшаш муҳити ҳақида ноёб маълумотларни сақлайди. Шунинг учун дарахт ёшени аниқлаш биология ёки ботаника учун эмас, тарих, археология, экология ва иқлимшунослик учун ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар бир дарахт тизимда йиллар ҳудудлардаги экологик ўзгаришларни кузатиш ва прогноз қилиш мумкин. Шунингдек, тарихий обидалар, қадимий

Шонли тарихдан бугунга қадар

Соҳибқирон – буюк аждодимизнинг тарихий ўғитларини ёш авлод қалбига янада чуқурроқ сингдириш, унинг бой меросини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган тарғибот ойлги давомида Қашқадарёда кўплаб маданий тадбирлар, танловлар, давра суҳбатлари, адабий кечалар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Шахрисабз шаҳридаги Оқсарой мажмуасида “Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган “Соҳибқирон тузуқлари ва адолат меъёрлари: шонли тарихдан бугунга қадар” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам ана шу саъй ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Унда партия Сийёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдукамол Раҳмонов, Шахрисабз шаҳар ҳокими масъулари, нурунийлар, олимлар, ёшлар, санъаткорлар, ҳарбий ва миллий оркестр жамоалари, партия марказий аппарати ходимлари, депутатлар, партиянинг туман-шаҳар кенгашлари раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шахрисабз шаҳар маданият маркази мезбонлигидаги тадбир аввалида давлат маҳфияси ижро этилди. Шахрисабз шаҳар ҳокими Шерзод Бўриев сўзга чиқиб, анжуман иштирокчиларини қутлади. Таъкидланганидек, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг жаҳон ва миллатимиз тарихида тутган ўрни, сиёсати, ҳарбий ва дипломатик салоҳияти ҳақида сўз кетганда, унга тарихда ўчмас из қолдирган йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида баҳо берилади.



Сўзга чиққанлар Соҳибқирон сиёсий майдонга қадам қўйганида эндигина 24 ёшга киргани, ўша пайтларда мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олганлиги хусусидаги фикрларини билдирди. Дарҳақиқат, Амир Темур – йирик давлат арбоби, қонуншунос, моҳир меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга, эл-юрти, халқини севган ва уни машхур жаҳон қилган халқимиз фарзандидир.



Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўзи туғилиб ўсган Шахрисабз шаҳрида ҳамда салтанат пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий-меъморий ва илмий-маънавий марказларидан бирига айлантирган. Бу улуг зот қурдирган меъморий обидалар бугунги кунда ҳам юртимиз кўрнгига кўрк қўшиб келмоқда.

Тадбирнинг иккинчи ярмида иштирокчилар Қашқадарё вилояти Маданият бошқармаси санъаткорлари томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар ва Амир Темур тарихини ёдга олувчи қизиқарли маърузаларни тинглади. Эътироф этиш лозимки, ёшларнинг Амир Темур тарихини мадҳ этувчи саҳна кўриниши, шеърлари, куй ва қўшиқлари, бир-биридан гўзал рақслари томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Тадбир якунида иштирокчилар учун Оқсарой меъморий обидаси бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот хизмати



Жасорат – ўлмас қадрият

Хоразм вилояти Боғот туманидаги 36-сон умумий ўрта таълим мактабида буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати Майсара Худайберганава иштирок этиб, мактабнинг “Жасорат” синфида таҳсил олаётган 5-синф ўқувчилари билан мулоқот қилди.

Тадбир “Куч – адолатда” шиори остида ташкил этилди. Унинг асосий мақсади ёш авлод онгига миллий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур шахсияти орқали адолат, жасорат ва матонат каби фазилатларни тарғиб этишдан иборат бўлди.

Майсара Худайберганава ўз сўзида Амир Темурнинг давлатчилик тарихидаги ўрни, унинг адолатпарвар сиёсат юритгани, илм-фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтди. Депутат, айниқса, “Куч – адолатда” шиори бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлаб, ёшларни адолатли, билимли ва юрт тақдирига бефарқ бўлмаликка чақирди.

Тадбир давомида ўқувчилар томонидан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган шеърлар ўқиди, саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, тарихий мавзу-

даги савол-жавоблар орқали ўқувчиларнинг билимлари синовдан ўтказилди. Фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилди.

“Жасорат” синфи ўқувчилари тадбир орқали нафақат тарихий билимларини бойитди, балки адолат, жасорат ва масъулият каби инсоний фазилатларнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англади.

Маънавий-маърифий тадбир ёшларни миллий меросга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қалбига буюк аждодларимизга муносиб бўлиш истагини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Боғот туманида ўтказилган бу каби учрашувлар келгусида ҳам ёш авлод маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши
матбуот котиби



Миллат руҳидаги буюклик

Кўхна тарих саҳифаларида шундай улуг сиймоларимиз борки, уларнинг номи фақат ўтмиш хотираси сифатида эмас, балки бутун миллатнинг руҳиятида, дунёқарашида ва ҳаёт тарзида яшаб келади. Ана шундай буюк сиймолардан бири Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Муҳиддин ОМАД, Ўзбекистон Журналистлари уюشمаси аъзоси

Амир Темур шахси – асрлар давомида халқимизни руҳлантириб, унинг миллий ғурури ва ўзлигини англаш манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шу боис ҳам, бу ном тилга олинганда юракларда ғурур, ифтихор ва масъулият туйғулари уйғонади.

Буюк аждодимиз номи билан нафақат фахрлиниб юриш, балки унга муносиб бўлиш ҳам катта масъулиятдир. Зеро, ҳар бир миллатнинг буюклиги унинг тарихий хотираси билан ўлчанади. Агар миллат ўз буюк аждодларини унутмаса, уларнинг сабоқлари билан яшаса, бундай миллат ҳеч қачон руҳан сўнмайди, тарқоқ яшамайди.

Бугунги кунда Соҳибқирон меросига давлат даражасида берилаётган юксак эътибор ҳам бежиз эмас. Давлат раҳбарининг қарори халқимизнинг тарихий хотирасини янада мустаҳкамлаш, миллий ўзлигини англаш туйғусини кучайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Чунки тарихини унутган миллатнинг келажаги мустаҳкам бўлмайди.

Амир Темур – фақат жанг майдонларида галаба қозongan саркарда эмас. У давлатни ақл-заковат, тартиб ва адолат асосида бошқариш мумкинлигини амалда исботлаган буюк давлат арбобидир.

Унинг давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлари “Темур тузуқлари” асарид

а ўз ифодасини топган. Бу асар нафақат ўша давр, балки бугунги кун учун ҳам муҳим маънавий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган дастур ҳисобланади.

Соҳибқироннинг “Давлат ишларининг тўққиз улушини кенаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилч билан амалга оширдим”, деган машхур фикрлари бор. Бу давлатни куч билан эмас, аввало, ақл, маслаҳат ва адолат билан бошқариш лозимлигини кўрсатади.

Бу ҳам Амир Темурнинг давлатчилик тарихида нафақат буюк саркарда, балки юксак сиёсий тафаккур соҳиби эканидан ҳам дарак беради. Унинг давлатчилик фалсафасида “Куч – адолатда!”, деган юксак ғоя ҳам бор. Бу шунчаки балиндпарвоз гап эмас, балки бутун бир давлат бошқаруви тизимининг асоси эди. Темур учун қудрат зўравонлик эмас, балки тартиб ўрнатиш, парокандаликни бартароф этиш ва юртини обод қилиш воситаси бўлган.

Соҳибқирон тарих саҳнасига чиққан даврда Марказий Осиёда сиёсий парокандалик ҳукм сурар эди. Турли майдда ҳокимликлар, ички низолар ва тартибсизликлар халқ ҳаётини издан чиқарганди.

Амир Темур ана шу мураккаб шароитда давлатни бирлаштириш, тартиб ўрнатиш ва марказлашган қудратли салтанат барпо этишга муваффақ бўлган ва бунёдкорликни давлат

сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айлантирган ҳукмдор ҳисобланади. Унинг: “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”, деган сўзлари нақадар оқил инсон эканидан дарак беради. Бу фикрлар Соҳибқироннинг давлатчилик фалсафасида ободлик, бунёдкорлик ва тараққиёт қанчалик муҳим ўрин тутганини кўрсатади.

Самарқанд ва Шахрисабзнинг бетақдор меъморий қиёфаси, муҳташам саройлар, мадрасалар ва масжидлар ана шу бунёдкорлик сиёсатининг амалий натижасидир. Демак, Амир Темур ҳар бир зафарли воқеа ёки қувончли ҳодисани янги меъморий обида барпо этиш билан нишонлаган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқдан келган машхур уста ва хунармандлар Самарқандда гўзал иморатлар бунёд этганлар. Натижада Самарқанд ўша даврда нафақат сиёсат, балки илм-фан, маданият ва санъат марказига айланган.

Шу билан биргаликда, Амир Темур меросини фақат тарихий бинолар ёки жанглр билангина ўлчаш ноўрин. Бу мерос, аввало, миллат руҳида яшайдиган маънавий кучдир. Чунки халқнинг руҳиятида, табиатида, ҳаёт тарзида асрлар давомида шаклланган фазилатлар бор. Биз бир-биримизга ҳурмат билан муносабатда бўлаемиз. Каттани – ака, кичикни – ука билиб муомала қилаемиз. Бошига мушкул тушган инсонга ёрдам қўлини чўзиш халқимиз учун табиий фазилат ҳисобланади. Бу халқ асрлар давомида меҳнат қилиб топганини ҳам эҳсон қилиб тарқата олган олийҳиммат халқдир. Меҳрибонлик, саховат, бағрикенглик ва одамийлик – бизнинг миллий табиатимизга сингиб кетган қадриятлардир.

Шу билан бирга, сабр ҳам халқимизнинг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланади. Биз душман мушт

ўқталмагунча сабр қила оламиз. Ноинсофининг инсофга келишини кута оламиз. Бу заифлик белгиси эмас, ажойиб ҳислат ва кучли руҳнинг белгисидир. Чунки ҳақиқий куч шошқалоқликда эмас, балки сабр, ақл ва адолатдадир.

Амир Темур мероси бизга буюклик тасодифан келмаслигини ва у интизом, тарбия, билим ва жасорат орқали шаклланишини билдиради.

Соҳибқирон тарбия, илм ва маърифатга катта эътибор берган давлат арбоби ҳам эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёш авлод тарбияси масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Фарзандларимизни билимли, жасур, руҳан бақувват қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ёшлар илм ўрганиши, хунар эгаллаши, жисмонан чинқиши, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаслиги керак. Чунки буюк аждодлар номи билан фахрланиш осон, лекин уларга муносиб бўлиш жуда катта масъулиятдир.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янги қурилышлар, илм-фан ва инновация бўлган эътибор халқимизнинг келажаки ишончи мустаҳкам эканини кўрсатади. Бу жараёнлар бизнинг тарихий илдизларимизга таянаётган тараққиёт йўлининг эканини ҳам англайди. Чунки тарихдан куч олган миллатгина ўз келажагини ишонч билан қуриши мумкин.

Шундай улуг бобомиз яшаб ўтгани бизнинг бахтли халқ эканимиздан нишон.

Амир Темур руҳи бизга оддий халқ эмаслигини, буюк тарихимиз борлигини эслатиб туради. Шунинг учун ҳам биз фақат буюк максادلари кўзлаб яшашимиз керак. Чунки қонидда Темур руҳи жўш урган халқ кичик орузлар билан яшамайди. Бу халқ буюкликка муносиб бўлиш учун яшайди. Бу халқ тарихини шунчаки эслаб эмас, балки давом эттириб яшайди.

Мафаккур мандога айланган мерос

Сирдарё вилоятида ҳам буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. “Адолат” СДП Сирдарё вилояти кенгаши ва Республика маънавият ва маърифат марказининг Сирдарё вилоят бўлими ҳамкорлигида белгиланган режа асосида вилоятнинг барча туман, шаҳарларида маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.



Кенг жамотчилик вакиллари ва ёшлар иштирокида ташкил этилган тадбирларда тарихчи олимлар, таниқли шoir ва ёзувчилар қатнашмоқда. Уларда Соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти, бой маънавий мероси, давлатчилик анъаналари ва уларнинг тарихий аҳамияти хусусида иштирокчиларга кенг маълумотлар бериламоқда.


Албатта, жойлардаги тарғибот тадбирларини намунали ва мазмунли ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 февралдаги “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маъзур қарор, нафақат буюк аждодимиз хотирасини

улуғлаш, балки унинг бой меросини тизимли равишда ўрганиш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчиликка етказишни янги босқичга олиб чиқди.

Дарҳақиқат, Амир Темур мероси бу фақат тарихий хотира эмас, балки бугунги ва эртанги тараққиётимиз учун беқиёс тафаккур манбаидир. Унинг адолат, қатъият ва пухта режалаштиришга асосланган бошқарув тамойиллари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Зеро, Соҳибқирон таълимоти кучли давлат, адолатли жамият ва маънавий баркамол авлод камолоти учун мустаҳкам пойдевордир.

Тоҳир САМИЕВ,
журналист

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ТИЛ ЎРГАНИШ:

ёшлар учун янги имкониятлар олами

Бугунги кунда инсоният тараққиёти мисли кўрилмаган суръатлар билан юксалиб бормоқда. Айниқса, илм-фан ва технология соҳасидаги янгиликлар жамият ҳаётига чуқур кириб келиб, инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб ола бошлади. Улардан энг фаоли – сунъий интеллект технологияларидир. Бугун сунъий интеллект нафақат саноат ёки ахборот технологиялари соҳасида, балки таълим тизимида ҳам кенг қўлланилмоқда. Айниқса, олий таълим муассасаларида хорижий тилларни, жумладан, инглиз тилини ўқитишда бу технологиялар янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Алижон ҚОДИРОВ,
Наманган Тадбиркор ва илм-фан университети
инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси,
"Адолат" СДП Давлатобод туман кенгаши раиси

Глобаллашув шароитида хорижий тилларни билиш ҳар бир ёш учун муҳим эҳтиёжга айланди. Дунё илм-фани, илгор технологиялар, халқаро ҳамкорлик ва маданий алмашувнинг асосий воситаларидан бири бўлган инглиз тилини чуқур билиш бугунги кунда замон талаби ҳисобланади. Шу боис олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш жараёнини замонавий ва инновацион усуллар асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнги йилларда сунъий интеллектта асосланган таълим платформалари, интерактив дастурлар ва рақамли иловалар тил ўрганиш жараёнини тубдан ўзгартириб юборяпти. Илгариги даврларда тил ўрганиш кўпроқ дарсликлар, анъанавий машқлар ва устозларнинг тушунтиришлари асосланган бўлса, бугунги кунда рақамли технологиялар орқали таълим жараёни янада интерактив, қизиқarli ва самарали тус олмоқда.

Айниқса, ChatGPT, Grammarly, Duolingo, TalkPal, Quizlet каби сунъий интеллектта асосланган платформалар талабаларнинг тил кўникмаларини ривожлантиришда муҳим воситага айланяпти. Бундай дастурлар фойдаланувчининг билим даражасини таҳлил қилиб, унга мос машқлар ва тавсияларни тақдим этади. Бу эса таълим жараёнида индивидуал ёндашувни таъминлашга хизмат қилади.

Масалан, Grammarly дастури талабаларнинг ёзма ишларидаги грамматик ва услубий хатоларини аниқлаб, уларни тўғрилаш бўйича аниқ тавсиялар беради. ChatGPT каби интеллекттуал тизимлар эса талабаларга эссе ёзиш, матн таҳлил қилиш, таржима қилиш ва мулоқот кўникмаларини ривожлантиришда ёрдам беради. Duolingo каби иловалар эса лугат бойлигини ошириш ва тилни ўйин элементлари орқали осон ва қизиқarli тарзда ўрганиш имконини яратяпти.

ниш имконини яратяпти.

Сунъий интеллект технологияларининг яна бир муҳим афзаллиги — бу тезкор фикр-мулоҳаза (feedback) бериш имкониятидир. Илгариги пайтларда талабалар ёзган ишларини текшириш учун маълум вақт керак бўлган бўлса, бугун AI тизимлари бу жараёни бир неча сония ичида амалга ошира олади. Бу эса талабаларга ўз хатоларини тезда англаш ва уларни тўғрилаш имконини беради.

Бундан ташқари, виртуал ва кенгайтирилган ҳақиқат (VR ва AR) технологиялари ҳам тил ўрганишда янги босқични бошлаб бормоқда. Бу технологиялар орқали талабалар инглиз тили муҳитига виртуал равишда "кириб", мулоқот қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса уларнинг коммуникатив компетенциясини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Бугунги илм-фан дунёсида юз бераётган бундай ўзгаришлар ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятларни яратмоқда. Аждодлар кўп йиллар давомида қўлга киритган билим ва тажрибани бугунги ёшлар қисқа вақт ичида эгаллаш имкониятига эга бўлмоқда. Айниқса, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида хорижий тилларни тез ва самарали ўзлаштириш имконияти янада кенгаймоқда.

Шу билан бирга, бундай имкониятлар ёшлардан масъулият ва онгли муносабатни ҳам талаб қилади. Чунки ҳар қандай технология фақат ундан тўғри фойдаланилгандагина самара беради. Агар ёшлар сунъий интеллектни билим олиш, изланиш ва ўз устидалашга ишлатиш воситаси сифатида қўллалсалар, бу уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунё ёшлари ўртасида илм-фан, инновация ва технология соҳасида катта рақобат мавжуд. Бу рақобат шароитида ўзбек ёшлари

ҳам ўз иқтидори ва билимлари билан халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Турли халқаро олимпиадалар, илмий танловлар ва стартап лойиҳаларида ўзбек йигит-қизларининг эришяётган ютуқлари бунинг яққол далилидир.

Жаҳоннинг нуфузли университетларида таҳсил олаётган, илмий кашфиётлар яратяётган, халқаро танловларда ғолиб бўлаётган ўзбек ёшларининг сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда таълим соҳасига берилаётган катта эътибор ва имкониятларнинг самарасидир.

Бироқ бу ютуқлар билан чекланиб қолмаслик керак. Чунки биз буюк аждодлар авлодимиз. Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган. Уларнинг мероси биз учун нафақат тарихий гурур, балки келажак учун улкан масъулият ҳамдир.

Шу боис бугунги ёшлар ҳам илм-фан йўлида изланишдан тўхтамаслик, янги технологияларни ўзлаштириб, дунё миқёсида рақобатбардош мутахассисларга айланиш лозим. Сунъий интеллект каби замонавий технологиялар эса бу йўлда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, тил билиш — бугунги глобал дунёда муваффақият калитларидан биридир. Хорижий тилларни чуқур билиш ёшларга дунё илм-фани билан танишиш, халқаро ҳамкорликда иштирок этиш ва ўз ғояларини бутун дунёга етказиш имконини беради.

Сунъий интеллект технологиялари эса бу жараёни янада тез ва самарали қилади. Шу сабабли олий таълим муассасаларида AI технологиялари

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда сунъий интеллект технологиялари инсон ҳаётининг турли соҳаларига чуқур кириб бормоқда. Таълим соҳасида, айниқса, тил ўрганиш жараёнида бу технологиялар катта имкониятлар яратмоқда. Улар ёшларга билим олишни осонлаштириш, дунё илм-фани билан яқиндан танишиш ва халқаро майдонда ўз ўрнини топиш имконини беради.

Энг муҳими, бугунги авлод тарихда мисли кўрилмаган янги илм-фан оламига қадам қўймоқда. Бу оламда имкониятлар чексиз. Фақат улардан тўғри ва самарали фойдаланиш лозим.



Гулнафиса АБДИМУРОДОВА,
Самарқанд вилояти кенгаши
матбуот котиби

ПАРТИЯДОШМИЗНИНГ ИЛК КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ

Ибрат

Партияимиз сафида билами, изланувчан ва жамият дарди билан яшайдиган ёшлар кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол. "Ёш адолатчилар" қаноти Самарқанд вилояти кенгаши раиси, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси Дилмурод Махрамов ана шундай изланувчан сафдошларимиздан.

Яқинда унинг "Миллатдан кечиб бўлмайди" номи илк мақолалар тўплами нашрдан чиқди. Китобдан муаллифнинг долзарб муҳофадалари ўрин олган. Ундаги ҳар бир мақола жамиятнинг оғриқли нуқталарига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Масалан, "Миллатдан кечиб бўлмайди" ва "Фаннинг муҳим ва номухими" мақолаларида миллий ўзликни англаш, ёшларнинг таълим-тарбия масаласи, "Алимент нима учун тўланади?" ва "Боқимандалиқдан қочинг" мақолаларида эса жиддий муҳофазаалар билдирилган.

Шунингдек, "Ўқитувчининг маоши ошди, деймиз..." ҳамда "Педагогга тўхмат қилганлар" каби сарлавҳали таҳлилий материалларида жамият тақдирига дахлдорлик ҳисси, куюнчаклик сезилиб туради. Тўпламга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулҳебра Жамилова сўзбоши ёзиб, ёш ижодкорнинг фикрларига холисона баҳо берган. Биз ҳам сафдошимизни ушбу ижодий муваффақият билан муборақбад этамиз!



"Ўзлигингни сақла, виждонингни йўқотма"



Жамият зинапояларидан юқорига кўтарилиш, яъни ўз соҳасида ном қозонган таниқли арбобга айланиш, сиёсатда муваффақиятга эришиб, муҳим давлат лавозимини эгаллаш ёки йирик компаниянинг раҳбари бўлиш — ҳар бир инсоннинг орзуси. Бироқ тарих ва ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, юқори мансаб ёки мақомга эга бўлиш инсон учун ҳаминша ютуққа айланавермайди. Чунки одамлар юксалиш йўлида ўзгариб қолади: шахснинг бутунлиги, бетақорлиги йўқолиб боради. Иагари ўзи мансуб бўлган табақаси билан ришталари узилганидан кейин, янги муҳит ва табақани қўйиб қоладилар ҳам мослаша олмайд қолади. Шу боис энг оғир синов — бу тепага чиқиб борганинг сайин ўзлигингни сақлаб қолиб, юрагинг ва виждонингни йўқотмасликдир.

Жюль МИШЛЕ

(1798-1874), француз тарихчиси, "Ренессанс"
("Возрождение" — "Уйғониш") иборасининг муаллифи.
Ж.САФОЕВ таржимаси

Пешона тери

Марк Твен ёшлигида бўлиб ўтган воқеани шундай ҳикоят қилади:

— Ёшлигимда

жуذا камбагал эдик. Мен нимжон ва кучсиз эдим. Устозимиз тозалликка қаттиқ эътибор беради. Ким сиёҳдонидан сиёҳ тўкиб юборса, унга икки жазодан бирини қўларди — бири уриш бўлса, иккинчиси бир доллар жарима.

Мен сиёҳдонни жуذا эҳтиёт қилардим. Чунки отамнинг қўли калта ва у ошиқча доллар бера олмайд, шунингдек, ўзим ҳам устознинг калтага дош бера олмайдим. Лекин бир кун барибир сиёҳ партага тўкилиб кетди. Устоз менга ўқрайиб қаради. Эртага менга нима кутиб турганини билдириб бошим билан устозга ишора қилдим.

Кечкурун отамга бўлган воқеани айтиб бердим. Отамнинг кўнгли юмишб кетди ва устоз калтагидан қутилиб қолиш учун бир доллар берди. Эртасига долларни беришга кўзим қиймай, устознинг калтагига бир амаллаб чидадим. Пешона терим билан ишлаб топган биринчи долларимга шу тарзда эришганман.

Марк ТВЕН



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқка бошлаган

ISSN 2093-5217



Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб — Абдуғани Содиков

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарк тонги" кўчаси, 23-уй.

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарк" НМАК босямаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.